

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Р Е Ф Е Р А Т

“ХУСУСИЙ КИНОЛАРДАГИ ЁШ АКТЁРЛАР МУАММОСИ”

Бажарди: 2-курс “кино, телевидение ва
радио режсёрлиги” бўлими талабаси Аҳмедова Дилфуза

Текширди: Абдуманнон Убайдуллаев

Тошкент - 2013

Хусусий кинолардаги ёш актёрлар муаммоси

Кино санъатига бефарқ ёшлар назаримда, ҳозирги кунда жуда кам бўлса керак. Юртимиз кинотеатрлари олдида хилма-хил кўзни қувнатадиган афишалар, янги фильмлар учун машҳур хонандалар томонидан куйланган саундтреклар томошабинларнинг эътиборини жалб этмай қолмаяпти. Айниқса бош қаҳрамон ролини ёшлар орасида машҳур бўлган актёр, актрисалар ёки хонандалар ижро этган бўлса, юртимиздаги кинозаллар уларнинг мухлисию, мухлислари билан тўлиб кетиши тайин. Бу ўз навбатида режиссер ижодий ишининг халқ орасида танилишига ёрдам бериши баробарида, бу каби сохта ва енгил фильмларнинг тобора кўпайишига сабаб бўлмоқда. Тўғри-да, ўзига яраша “қийинчиликлар” эвазига қилинган “ижод”, халқ эътиборидан қолишини ким ҳам хоҳларди, дейсиз?!

Лекин ҳозирги кундаги кинозалларга кираётган ёшлар фильм томоша қилиш вақтини севгилиси билан учрашув учун белгилаши, қайсидир хонандани яқиндан кўришга ёки у билан бирга расмга тушишга ишқибоз мухлислар йўқ эмас. Аслида ўзи томоша қилаётган фильмининг бадиий ва ижодий савияси, ундаги кўтарилган мавзу долзарблиги, уни қай даражада ечим топганлиги, ҳамда ҳаётийлик касб этаётганлиги, фильмдаги бош қаҳрамон образини яратиш учун таклиф қилинган актёрлар ролга нечоғлик мос келганлиги ҳақидаги бахсли фикр юрутувчи кино мухлислар керак, деб ўйлайман.

Ўзбек киноларида ёш актёрларнинг роль ижро этиши ва уларнинг кўпи режиссерлар томонидан кашф қилиниши - бу режиссёр ва кино санъатининг ютуғи ҳисобланади. Лекин бир ҳақиқат аёнки, ютуғлар билан бирга камчиликлар ҳам кўпайиб кетяпти. Булардан энг биринчиси - ёш актёрларнинг

нутқи, яъни адабий тил меъёрларини, бузиб кўча шевасида гапиришаётганлигидир. Кинонинг асосий мухлисларининг кўпчилигини ёшлар ташкил қиларкан, бу камчилик тўғриланиш ўрнига бу нуқсонни аксинча урфга, яъни замонавий тилда айтганда “мода”га айланишига сабаб бўляпти. Натижада ўзбек тили туб негизидан ажралиб, қандайдир четдан кириб келган сўзлар йиғиндисига айланиб қоляпти. Бу эса ўзининг салбий таъсирини энг биринчи навбатда ёшларда кўрсатяпти. Масалан, Жавлон Шодмонов режиссер сифатида олган фильмлар “Замонавий совчилар”, “Шаддод қиз”, Ж.Позилжоновнинг “Анджонлик меҳмон” фильмларида бу каби камчилик кўпол тарзда кўзга ташланади.

Энг қизиғи шунда-ки,кинода роль ижро этаётган ёшларнинг кўпчилиги собиқ Ўзбекистон Давлат Санъат институтининг талабалари ҳисобланади. Холбуки бу ердаги устоз, мураббийлар адабий тил нормалари борасида жуда талабчан. Лекин амалиётда негандир бунинг акси кўриняпти. Бунинг сабаби жуда оддий.Ёш актёрлар тезроқ танилишини, халқ эътиборига тушишини хоҳлаганликлари учун айрим томошабин ёқтирган енгил йўллар билан санъатини сохталаштириш эвазига оммалаштирмоқда. Бу борада бирёқламаликка йўл кўйиб, фақат актёрларни айблаш ҳам адолатдан эмас. Чунки,Бундай камчиликларга йўл кўяётган ижодий гуруҳ раҳбари режиссернинг беъэтиборлиги, беписандлиги ҳам бор албатта. Тан олиш керак бугунги кунда яратилаётган фильмларга режиссер бош қахрамон ролига кассабоп актёрни кўяди. Уни бу ролга мос тушиши ундаги актёрлик маҳорати қай даражадалиги иккинчи планга тушиб қолиши борасида умуман ўйлаб ҳам ўтирилмайди. Натижада кино санъати кино саноатига айланиб қолмоқда.

Бугунги кундаги фильмда роль ижро этаётган ёш актёрларнинг яна бир камчилиги шундаки, фильмлардаги ролларининг бир хиллигидир. Шунингдек улардаги сюжет ўхшашлиги ҳам томошабиннинг меъдасига тегаётгани сир эмас. Бунинг асосий сабаби сценарийда деб ўйлайман. Биринчидан сценарий драматургик асосга қурилмаганлиги, уни мукаммал яратилмагани, иккинчидан деярли барча сценарийларда бир хил мавзу кўтарилаётганлигидир. Вахоланки, ҳаётимизда фақат севги эмас, бошқа долзарб муаммоларни кўтариб чиқа олиш учун мавзулар етарли-ку. Ва яна бир сабаби ёш актёрларнинг ўз устида ишлаб, ижодий бисотини тўлдириб бормаётгани, ялқовлиги ва изланиш йўқлигидадир. Бугунги кунда яратилаётган фильмларнинг намоишига пул сарфлаб келаётган томошабинлар ҳам томошабинлар учун қай даражадаги “санъат” асарини яратишга маблағ сарфлаётган ижодкорлар шу ҳақда бир оз ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди...

Бундай фильмларни яратаётган режиссёрлар шу соҳанинг етук устаси бўлган Ш. Аббосов, М. Махаммедов, З. Мусоқов, Х. Насимов, А. Шахобиддинов сингари режиссерларнинг ижодини ўрганиб уларнинг фильмларини кўпроқ томоша қилиб, керак бўлса дарс олишларини хоҳлардим.

Хозирда ўзим ҳам санъат олий даргоҳида режиссерлик курси бўйича тахсил оляпман. Ниятим эса келажакда режиссерлик санъатини саноат даражасида эмас балки санъат даражасида ривожланишига, кино соҳасида янгиликлар қилиб ўз хиссамни қўшсам дейман.